

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ЭРГОФЕРОН

**Препаратнинг савдо номи:** Эргоферон

**Дори шакли:** шимиш учун гомеопатик таблеткалар

**Таркиби:**

1 таблетка қуйидаиларни сақлайди:

*фаол моддалар:*

одам гамма интерферонига аффин тозаланган антителалар – 0,006 г\*,

гистаминга аффин тозаланган антителалар – 0,006 г\*,

CD4 аффин тозаланган антителалар – 0,006 г\*.

\* учта фаол сувли-спирт суюлтирилган субстациялар, 100<sup>12</sup>, 100<sup>30</sup>, 100<sup>50</sup> марта мувофик равишда суюлтирилган аралашма ҳолидаги лактоза моногидратига бириктирилади.

*ёрдамчи моддалар:* лактоза моногидрати, микрокристалл целлюлоза, магний стеарати.

**Таърифи:** Ясси цилиндрик шакли рискали ва фаскали, оқдан деярли оқ ранглигача бўлган таблеткалар. Ясси томони рискали, MATERIA MEDICA ёзуви туширилган, бошқа ясси томонида эса ERGOFERON ёзуви туширилган.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Вирусларга қарши восита, антигистамин восита.

**АТХ коди:** J05AX, R06A.

### **Фармакологик хусусиятлари**

#### **Фармакодинамикаси**

Эргофероннинг фармакологик фаоллиги доираси вирусларга қарши, иммуномодуляторлик, гистаминга қарши, яллиғланишга қарши хусусиятлари билан ифодаланadi.

Вирусли инфекция қасалликларда: А гриппи ва В гриппи, ўткир респиратор вирусли инфекциялар (парагрипп, аденовируслар, респиратор-синцитиал вируслар, коронавируслар чақирган), герпес вирусли инфекциялар (лабиал герпес, офтальмогерпес, генитал герпес, ўраб олувчи герпес, сувчечак, инфекция мононуклеоз), вирусли этиологияли ўткир ичак инфекциялари (калицивируслар, коронавируслар, ротавируслар, энтеровируслар чақирган), энтеровирусли ва менингококкли менингитлар, буйрак синдроми билан кечувчи геморрагик иситма, кана энцефалитида Эргоферон компонентларини қўллашнинг самарадорлиги экспериментал ва клиник жиҳатдан тасдиқланган.

Препарат бактериал инфекцияларни (сохта туберкулёз, кўкйўтал, иерсиниоз, турли этиологияли пневмония, шу жумладан атипик кўзғатувчилар (*M.pneumoniae*, *S.Pneumoniae*, *Legionella spp*)) мажмуавий даволашда қўлланилади, вирусли инфекцияларнинг бактериал асоратларини олдини олишда фойдаланилади, суперинфекцияларни ривожланишини олдини олади. Препарат вакцинациядан олдин ва вакцинадан кейинги даврда қўлланганида вакцинацияни самарадорлиги ортади, вакцинадан кейинги иммунитетни пайдо бўлиши вақтида ЎРВИ ва гриппни носпецифик профилактикасини таъминлайди. Эргоферон этиологияси грипп билан боғлиқ бўлмаган ЎРВИга нисбатан профилактик самарадорликка эга, вакцинациядан кейинги даврда интеркуррент касалликларни ривожланишини олдини олади. Препаратнинг таркибига кирувчи компонентлар CD4 рецептори, гамма интерферон (ИФН- $\gamma$ ) рецептори ва гистамин рецепторларининг функционал фаоллигини ошиши шаклида яққа таъсир механизмига эга, бу мувофик тарзда яққол иммуотроп таъсири билан бирга кечади.

Гамма интерферонга антителалар:

ИФН- $\gamma$ , ИФН  $\alpha/\beta$ , шунингдек улар боғлиқ кечадиган интерлейкинларни (ИЛ-2, ИЛ-4, ИЛ-10 ва б.) экспрессиясини оширади, ИФН нинг лиганд-рецептор билан ўзаро таъсирини

яхшилайти; цитокинли ҳолатни тиклайди; организмнинг табиий вирусларга қарши чидамлилигининг асосий омили ҳисобланган ИФН- γ га табиий антителаларнинг концентрацияси ва функционал фаоллигини нормаллаштиради; интерферонга боғлиқ бўлган биологик жараёнлар: гистомутаносибликнинг I, II турлари ва Fc-рецепторларини асосий комплексининг антигенларини экспрессиясини индукцияси, моноцитларни фаоллаштириш, NK-хужайраларни функционал фаоллигини рағбатлантириш, аралаш Th1 ва Th2 иммун жавобни фаоллаштириб, иммуноглобулинлар синтезини бошқаришни рағбатлантириши экспериментал исботланган.

CD4 га нисбатан антителалар, эҳтимол ушбу рецепторнинг аллостерик модулятори ҳисобланиб, CD4 рецепторини функционал фаоллигини бошқаради, бу CD4 лимфоцитларни функционал фаоллигини ошишига, CD4/CD8 иммунорегуляторлик индексини, шунингдек иммунокомпетент хужайраларни (CD3, CD4, CD8, CD16, CD20) субпопуляция таркибини нормаллашишига олиб келади.

Гистаминга антителалар периферик ва марказий H<sub>1</sub>-рецепторларни гистаминга боғлиқ фаоллигини модификация қилади ва шу тарзда бронхларни силлиқ мушакларининг тонусини камайтиради, капиллярлар ўтказувчанлигини камайтиради бу ринореяни, бурун шиллиқ қавати шиши, йўтал ва аксириш давомийлигини ва яққоллигини қисқаришига олиб келади, шунингдек аллерген билан контакт реакциясида семиз хужайралар ва базофиллардан гистамин ажралиб чиқишини, лейкотриенлар ишлаб чиқиши, адгезия молекулалари синтезини, эозинофиллар хемотаксисини ва тромбоцитлар агрегациясини камайтириш ҳисобига инфекция жараёнлар билан бирга кечувчи аллергик реакцияларнинг яққоллигини камайтиради.

Мажмуавий препаратнинг компонентларини бирга қўллаш унинг таркибига кирувчи компонентларнинг вирусларга қарши фаоллигини кучайтириш билан бирга кечади.

#### **Фармакокинетикаси**

Таҳлилнинг замонавий физик-кимёвий усулларининг сезгирлиги (газ-суюқлик хроматографияси, юқори самарали суюқлик хроматографияси, хромато-масс-спектрометрия) биологик суюқликларда, аъзо ва тўқималардаги Эргоферон препаратининг фаол компонентларининг миқдорини баҳолашга йўл қўймайди, бу фармакокинетикани техник жиҳатдан ўрганишни иложи йўқлигини кўрсатади.

#### **Қўлланилиши**

A ва B гриппини олдини олиш ва даволашда қўлланади.

Парагрипп, аденовирус, респиратор-синцитиал вируси, коронавирус томонидан чақирилган ўткир респиратор вирусли инфекцияларни олдини олиш ва даволашда қўлланади.

Герпес вируслари инфекцияларини (лабиал герпес, офтальмогерпес, генитал герпес, сувчечак, ўраб олувчи герпес, инфекция мононуклеоз) олдини олиш ва даволашда қўлланади. Вирус этиологияли (калицивирус, аденовирус, коронавирус, ротавирус, энтеровируслар чақирган) ўткир ичак инфекцияларини олдини олиш ва даволашда қўлланади.

Энтеровирусли ва менингококкли менингитни, буйрак синдроми билан кечувчи геморрагик иситма, кана энцефалитини олдини олиш ва даволашда қўлланади.

Бактериал инфекцияларни (сохта туберкулёз, кўкйўтал, иерсиниоз, турли этиологияли пневмония, шу жумладан атипик кўзгатувчилар (*M.pneumoniae*, *S.Pneumoniae*, *Legionella* spp. чақирган)) мажмуавий даволашда қўлланилади; вирусли инфекцияларнинг бактериал асоратларини олдини олиш, суперинфекцияларни олдини олишда қўлланади.

#### **Қўллаш усули ва дозалари**

Овқат қабул қилишдан ташқари вақтда ичга буюрилади. Таблеткани ютмасдан, то тўлик эригунигача оғизда тутиб туриш лозим.

6 ойликдан бошлаб болаларга. Кичик ёшдаги болаларга (6 ойликдан 3 ёшгача) препаратни буюрганда, таблеткани оз миқдордаги (1 ош қошиқ) хона ҳароратидаги қайнатилган сувда

эритиш лозим.

Даволашнинг биринчи кунини 8 таблетка куйидаги схема бўйича қабул қилинади: биринчи 2 соатда препаратни ҳар 30 минутда қўлланади (хаммаси бўлиб 2 соатда 5 таблетка), сўнгра шу кун давомида вақтнинг тенг оралиғида 3 марта қабул қилинади. Иккинчи кундан ва кейин 1 таблеткадан кунига 3 марта тўлиқ соғайгунга қадар қўлланади.

Вирусли инфекция касалликларни олдини олиш учун – кунига 1-2 таблеткадан буюрилади. Профилактик курсининг тавсия этилган давомийлиги индивидуал равишда белгиланади ва 1-6 ойни ташкил қилиши мумкин.

Зарурати бўлганида, препаратни бошқа вирусларга қарши ва симптоматик воситалар билан бирга қўллаш мумкин.

#### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препаратнинг компонентларига индивидуал юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

#### **Ножўя таъсирлари**

Препаратнинг компонентларига индивидуал юқори сезувчанлик реакциялари бўлиши мумкин.

#### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Ҳозирги вақтгача бошқа дори воситалари билан номутаносиблик ҳолатлари қайд этилмаган.

#### **Махсус кўрсатмалар**

Препаратнинг таркибига лактоза моногидрати киради, шу сабабли уни туғма галактоземия, глюкоза ёки галактозани мальабсорбция синдроми бўлган ёки туғма лактаза етишмовчилиги бўлган пациентларга буюриш тавсия этилмайди.

#### **Ҳомиладорлик ва лактация даври**

Эргоферонни ҳомиладорлик ва лактация даврида қўллашнинг хавфсизлиги ўрганилмаган. Препаратни буюришни зарурати бўлганида, хавф/фойда нисбатини ҳисобга олиш лозим. Эргоферон транспорт воситаларини ёки бошқа потенциал хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир қилмайди.

#### **Дозани ошириб юборилиши**

Тасодифий дозани ошириб юбориш ҳолларида, препаратнинг таркибига кирувчи тўлдирувчилар билан боғлиқ диспептик ҳолатлар бўлиши мумкин.

#### **Чиқарилиш шакли**

Шимши учун гомеопатик таблеткалар. 20 таблеткадан поливинилхлорид плёнкали ва алюмин фольгали контур уяли ўрамда.

1, 2 ёки 5 контур уяли ўрамлар давлат ва рус тилларидаги тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон кутига жойланади.

#### **Сақлаш шароити**

Ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

#### **Яроқлилик муддати**

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач ишлатилмасин.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.



**Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси расмийлаштирилган/истеъмомчилардан эътирозларни қабул қилувчи юридик шахс**  
**«НПФ «МАТЕРИА МЕДИКА ХОЛДИНГ» МЧЖ;**  
Россия, 127473, Москва ш., 3-й Самотечный тор кўч., 9 уй.  
Тел./факс: +7 (495) 684-43-33.  
“Ишонч” телефонлари: +7 (495) 681-09-30, +7 (495) 681-93-00.  
E-mail: [hotline@materiamedica.ru](mailto:hotline@materiamedica.ru)

**Дори воситасини ишлаб чиқариш жойи манзили**  
Россия, 454139, Челябинск ш., Бугурусланская кўч., 54 уй.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:**  
**«НПФ «МАТЕРИА МЕДИКА ХОЛДИНГ» МЧЖ ваколатхонаси;**  
Ўзбекистон Республикаси, 100090, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Таробий кўч., 11 уй.  
Тел.: +998712544057.  
E-mail: [uz@dep.materiamedica.ru](mailto:uz@dep.materiamedica.ru)